



Куръони Каримнинг асл назмини ўзгартириб, шеър вазнига солиш уммат ижмоъси билан харомдир. Шунингдек, Куръони Карим матнини сўзма-сўз таржима килиб айтиш таржимани шеър вазнига солиш ҳам иттифокан дуруст бўлмаган ишдир. Лекин Куръони Карим маъноларини, тафсирларини шеър вазни ва кофиялар билан ёзиш масаласи ҳозирги замон уламолари орасида ихтилофли бўлиб турган масалалардан биридир.

Бир гуруҳ олимлар, Куръон ва унинг тафсири орасида катта фарқ мавжудлиги ва ҳамда оятларни тафсир килиш машруъ, мандуб амал эканига таянган ҳолда, шунингдек, шеър вазни кофияларнинг жозибдор ва хифзи энгил бўлишини ҳисобга олиб «Куръонни шеър вазни ва кофияларга солиб тафсир килиш мумкин», деб айтсалар, бошқа бир гуруҳ уламолар, Куръони Карим маъноларини шеър вазнлари ва кофияларига мослашдиқ фикрида эканини айтадилар.

Албатта, насрдан кўра, шеърнинг назми хотирада сақлаб қолиш учун қулай, кофия ва вазнлар билан эса қулоққа янада ёқимли ва эшитимли бўлади. Ва яна шеърнинг иборалари жозибали, латофатли бўлиб, тингловчини ўзига ром қилиши табиий. Мана шу жиҳатларни эътиборга олиб баъзи диний фанларда шеър вазни адабиётлар ҳам таълиф этилган. Масалан: акоид, фикх, тажвид, сарф, нахв каби соҳаларда шеър вазни адабиётларни кўплаб учратиш мумкин. Куръони Каримни шеър вазнларига мослаб таржима ва тафсир килишга ижобий ёндашувчилар ҳам, мана шу фойдали жиҳатларни кўзлаб, «Куръонни шеър вазнида тафсир килиш жоиз», деб айтадилар. Токи Куръон маънолари вазни ва кофиялар билан янада ёқимли, жозибали, хотирада сақланиб қолиши энгилроқ бўлсин, деб.

Манбаларда эса икки томондан бирини ҳам кўлаб-қувватловчи, бу ишни дуруст ё нодуруст эканига сароҳатан далолат қиладиган бирон бир ҳужжат мавжуд эмас. Яъни

Куръонда ҳам, ҳадисларда ҳам, салафи солихларнинг таълимотида ҳам очикчасига «Куръонни шеър вазнига мослаб тафсир ва таржима қилиш», деган сарих буйруқ келмаган. Шу билан бирга, бу ишдан очикчасига қайтарилган наҳй ҳам йўқ. Яъни «Куръони Каримни тафсир қилишда шеър вазни ва кофияларидан фойдаланманглр», деганга ўхшаш биронта тақик маълум эмас.

Аммо шундай бўлса-да, Аллохнинг каломи – Куръони Каримни шеър назми билан тафсир қилиш мумкинми ё мумкин эмасми? деган саволга, қуйида тақдим қилинмиш баъзи далиллар ишорасига таяниб ва келиб чиқиши мумкин бўлган айрим хатарли оқибатларни ҳисобга олган ҳолда, биз: «Аллохнинг каломини шеър назми билан таржима ва тафсир қилиш мумкин эмас, тафсир илмини шоирликка харғиз яқинлаштирмаслик керак, Аллохнинг каломи шеър вазнлари ва кофияларига мухтож эмас», деган фикр тарафдоримиз, деб жавоб берган бўлардик.

Бу жавобимизга қуйидагиларни сабаб қилиб кўрсатиш мумкин.

- Аллох таоло Куръони Каримни шоирларнинг шеърларидан фарқли бўлишини истаган ва Ўз каломини шеър вазни ва кофиясига мос тарзда нозил қилган эмас! Куръони Карим ўзига хос, гўзал ва мўъжизакор назмга эга бўлиб, асло шоирларнинг шеърӣй вазни ва кофияларига ўхшамайди. Куръони Карим назми билан шоирларнинг шеърлари орасида жуда катта фарқ бор. Шундай экан, унинг маъноларини ҳам вазнга солиш, кофиялаштиришнинг кераги йўқ.
- Куръони Карим шоирнинг шеъри эмаслигини, Аллох таолонинг ўзи таъқидлаган! Ал-хааккох сурасининг 41 оятида: «Ва у шоирнинг сўзи эмасдир», деб келтирилади. Шундай экан, асли шеърдан йирок бўлган Аллох каломининг тафсир ва маъноларини баён қилишни ҳам шоирларга топширмаслик керак.
- Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам)га шоирлик тўғри келмаслигини Аллох таоло ҳам, Расулulloхнинг ўзлари ҳам таъқидлаб айтганлар! Ёсин сурасида шундай марҳамат қилади:

«Bиз унга шеърни таълим берганимиз йўқ. Ва бу унинг учун тўғри ҳам келмайди. У зикр ва очик-ойдин Куръондан ўзга нарса эмас». («Тафсири Хилол»)

Мавлоно Мулла Али ал-қори ҳазратлари ушбу оятнинг тафсирида шундай дейди:

«Куръон таълими ва тафҳими – тушунтириш, англлатиш ифода этиш – бу асло шеърга ўхшамайди. Лафзи, мабносида ҳам, маъносида ҳам шеърга ўхшашлик, яқинлик йўқдир. Чунки Куръон шеър каби вазн ва кофияларга мосланган эмас. Шунингдек, Куръонда шоирларнинг ҳаёлот оламида кезиб ўйлаб топадиган, рости ёлгон аралашмасидан иборат, асли ҳақиқатдан йирок, қулоққа ёқимли сўзлари йўқдир!»

Абдуллох ибн Аббос ва бошкалардан ривоят килинишича, Абдулмутталибнинг барча фарзандлари – ўгил-кизларининг хаммаси шеър айтар эдилар, магар, Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам) мустасно! (Анвору-л-куръан ва асрору-л-фуркон. Мулла Али ал-кори. Дору-л-кутб ал-илмийя. Байрут. 1971.) Шундай экан, уламоларимиз ҳам тафсир килишда, Расулуллохга тўғри келмаган шоирлик хунарига якин йўламасликлари керак.

• Расулуллох (соллаллоху алайхи ва саллам шеър тўкиш ва ёдлашни яхши кўрмаганлар! Юкоридаги ояти каримнинг тафсирида таникли олим Жалолуддин Суютий хазратлари ушбу хадисни келтирадилар:

«...»

Яъни Абдураззок, Абд ибн Хумайд, ибн Жарир, ибн ал-Мунзир ва ибн Абу Хотам (рахимахумуллох) Катода (розияллоху анху)дан ривоят киладилар: Катода (розияллоху анху) айтди: «Менга шундай хабар етиб келди, Оиша онамиз (розияллоху анху)дан шундай деб сўралган экан: «Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам) бирон-бир шеърни мисол килиб айтармидилар?» У зоти шарифа жавоб бердилар: «Шеър ул Зот учун энг мабгуз сўз бўлиб келган. Лекин ул Зот Аху Бани Кайснинг байтини мисол килиб ўқир эдилар, байтни ўқишда аввалини охирига, охирини аввалига алмаштириб юборардилар. Шунда, ул Зотга Абу Бакр (розияллоху анху) (тузатиш ниятида): «Ундай эмас», дедилар. Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам) жавоб бердиларки: «Аллохга касамки, мен шоир ҳам эмасман, шоирлик менга тўғри ҳам келмайди». (Аддурру-л-мансур фит-тафсир билмаъсур. Жалолуддин Суютий. Кохира. 2003.)

Шундай экан, Куръон маъноларини шеърга айланттириб ёд олиш ўрнига, унинг айнан ўзини ёд олишга кўпроқ эътибор қаратиш лозим.

• Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам) хаётлик чоғларида Куръон маъноларини саҳобаларга изоҳлаб, тафсир килиб, баён килиб берар эдилар. Аммо Куръон маъноларини баён килишда, шеър вазни ва кофиясида сўзлаганлари бирон ривоятда накл килинган эмас. Шундай экан, муфассирларимиз ҳам, ул Зот килмаган ишдан йирок туришлари керак.

• Саҳобалар ва улардан кейинги тобеин ва табаъа тобеинлардан биронталари Куръони Каримни шеър вазнида тафсир қилганлари маълум эмас! Ахли суннанинг мутааххир олимлари тарафидан ҳам, шеърнинг назм билан битилган тўлик тафсир асарлари машҳур бўлмаган. Шундай экан, салафи солихлар қилмаган ишни килиб, янгилик қилгандан кўра, уларга тобе бўлиб, назмдан кўра наср йўлидан бориш маъқул.

• Айрим манфаатларни ҳисобга олиб, шеър вазнидаги тафсирларни «бидъати хасана», дейиш ҳам унчалик тўғри келмайди! Чунки Куръон маъноларини шеър килишнинг фойдасидан зиёни кўп. Бугун шеър килинган Куръон маънолари эртага ашула бўлиши, мусика асбоблари билан қуйланиши эҳтимолдан холи эмас! Турли саловат ва нашидаларни мусика қуйларига солиб, кўшиқ қуйлаб юрганлар Куръоннинг шеърнинг тафсирларини ҳам қуйлашда бир-бирлари билан мусобақа бошлаб юбормасликларига ҳеч ким кафил бўла олмайди. Натижада Куръоннинг тафсирлари ашулага айланиб, бора-бора Куръоннинг ўзини ашула килиб қуйлашга ҳам йўл очиб берилган бўлади.

Шундай экан, бу хунук окибатнинг олдини олиш максатида Куръон маъноларини шеър вазни ва кофияларига асло якинлаштирамаслик керак.

- Куръонни шеър вазнида тафсир килиб таркатиш, эътиқоди шаклланмаган авом орасида «Куръон хам катта бир шеърый асар экан», деган нотўғри тушунчани хосил килиш хавфи хам бор. Бу эса Куръони Карим хақидаги эътиқодни янада бузилишига олиб келади. Шундай экан, халкка Куръонни етказиш билан фойда келтираман, деб Куръон хақида ботил тушунча хосил килиб, зарар келтириб қўйишдан эҳтиёт учун, Куръон маъноларини шеър килмаслик керак.
- Куръонни шеър килмокчи бўлган шоир унинг маъноларига халал етказиши турган гап. Кофияларни келиштираман, ибораларни жозибадор киламан, деб хаёлот оламидан гарибу камёб сўзларни излаб топиб, қўллашлари натижасида, асл маънога футур етиши, максат ўзгариб кетиши, Куръон маъноларининг шеър маънолари билан аралашиб кетиши мумкин. Шундай экан, ислох киламан, деб ифсод йўлига туриб колмаслик учун Куръон маъноларини шеър кофияларидан йирик тутиш лозим.
- Тафсир килишдан асл максат – Куръони Каримнинг чексиз маъноларини кашф килиб, имкон қадар оммага тўлиқ, мукаммал тарзда ифода ва изох килиб беришдир. Шеърнинг муайян кофияси ва вазни эса бу максатни хосил бўлишига тўсик бўлиши мумкин. Одатда ахалининг адабиётдан йирик катлами шоирларнинг шеърларини тўлиқ англашдан ожиз бўлади. Уларга бирон мисрани тушунтириш учун насрий тилда кенгрок изохлашга эҳтиёж бўлади. Чунки шеърда кофия ва вазн зарурати учун кўп сўзлар ўз ўрнидан бошқа жойга жойлаштирилади. Бу эса уни тушунишда кийинчиликлар келтириб чиқаради. Каломуллохнинг маъноларини содда наср услубида баён килишнинг ўзи ўта улкан машаққатли иш бўлса-ю, маълум вазн ва кофия қолиплари ичида Куръон маъноларини ифода килишга йўл бўлсин. Куръони Карим маъноларини шарҳга мухтож шеър вазнлари ичига яшириш, тафсирдан кўзланган асл максатга нисбатан олганда, мантиксизлик бўлади. Шундай экан, Куръонни назм услубида тафсир килгандан қўра, содда наср услубида тафсир килиш керак.
- Аллох таоло Шуаро сурасининг охиригача оятларида шундай дейди:

□□□□□ □□□□□ □□□ □□□□□□□□□ □□□□ □□□□□□ □□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□□□
□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□ □□□□□□□□□□ □□□ □□□ □□□□□□□□□ □□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□
□□□ □□□□□□ □□□ □□□□□□□□□□□ □□□□□□□ □□□□□□□ □□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□□
□ □□□□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□ □□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□□□□□ □□□□□□□□

Ва шоирларга гумрохлар эргашур. Уларнинг хар водийда дайдишини. Ва ўзлари килмайдиған ишларни айтишини қўрмадингми? Магар иймон келтириб, солих амаллар килганлар, Аллохни кўп зикр этганлар ва мазлум бўлганларидан кейин нусрат козонганлар (ундай эмаслар). Зулм килганлар эса тезда кайси ағдарилиш жойига ағдарилишларини билурлар. («Тафсири Хилол»)

Ояти кариманинг аввалида, шоирларни ёппасига танкид килиниб, кейин эса айримларини истисно килинганидан шу маълум бўладики, шоирларнинг аксари ёлгончи бўлишади. Улар ўзлари килмайдиған ишларни гапириб юрадилар. Албатта, бу – хамма шоир шунақанги бўлади, дегани эмас. Солих амал килган, Аллохнинг зикрида бўлганлар юкоридагилардан истисно тарикасида ажратиб қўйилган. Лекин шуни назардан кочирмаслик керакки, ояти каримада истисно йўли билан ажратиб қўйилган, солих

шоирлик хамманинг хам кўлидан келавермайди. Шоирлар кўпинча хаёлот оламида кезиб юрадлар. Хакикатдан йирок, баландпарвоз гапларни кўп гапиришади. Аллохнинг каломини шеър вазнида тафсир килиб халкка етказаман, деган шоир хам, ёлгончи шоирлар каторига кўшилиб қолиш хавотиридан омонда эмаслигини ёдда тутиши лозим. Чунки кофиясини келиштираман, деб кўшимча килган бирор ножўя сўзи уни «ўзлари килмайдиган ишларни айтиб юрвчи» ёлгончи шоирга айлантириб кўйиши мумкин. Шундай экан, шоирлар Аллохнинг каломидек улуг китобни шеър килиб изохлашдан узок юрсалар, ўзларига хам, бошқаларга хам яхши бўлади.

- Юкоридаги ояти кариманинг тафсирида, «Хозин» номи билан машхур бўлган Алоуддин Али ибн Мухаммад ибн Иброхим Багдодий хазратлари куйидаги хадисни келтирадлар:

«...»

Яъни «Сизлардан хар бирингизнинг то ташналиги конгунча корни йиринг билан тўлиши, корни шеър билан тўлганидан хайрлидир».

Албатта, бу хадиси шарифда хам юкоридаги оятдаги каби, хукм умумий эмас, балки, ёлгон аралашмаган шеърлар мустасно бўлар. Аммо хадиси шарифнинг умумий маъноси шуни англатадики, Расулulloх шеърни ёктирмас эдилар. Бу ҳақда Исмоил ибн Касир (рахимахуллох) хам ўз тафсирларида айтиб ўтган. У кишининг айтишича, Расулulloх шеърни яхши кўрмасдилар.

Юкорида келтириб ўтилган сабабларга кўра, шуни хулоса килиб айтамикки, Куръони Карим маъноларини шеър вазни ва кофиялари билан ифода килишнинг фойдасидан зарарли томонлари кўпроқдир. Бу ишда энг аслам йўл салаф ва халафлардан иборат катта жамоъанинг йўли бўлиб, факатгина насрий услубда, иложи борича содда ва тушунарли килиб тафсир килиш лозим. Тарихда, айрим оят ва сураларни шеър вазнида тафсир килганлар хам бўлгани айтилади. Аммо уларнинг хам маъруф ва машхур бўлмаганини хисобга олиб, ўша шеърий тафсирларни ахли илмлар кабул килган эмас, деб айтишимиз мумкин.

Хуллас калом, Аллох каломининг ўзига хос, гўзал ва мўъжизакор назми бор. Бу назм шоирлар ўйлаб топган шеърнинг назмию кофиясидан чандон-чандон улуг ва латофатлидир. Уламоларга эса Аллохнинг каломини изохлаб, тафсир килиб оммага баён килиб бериш – вожиб. Бу вазифани имкон кадар, тушунарли кенг ва содда тилда бажаришлари керак.

Хикматуллох Иброхим